

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

2-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

Муассис: Фаргона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.

ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашиёт бўлимида тайёрланди.

Таҳририят ҳайъати

**Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир**

МАКСУДОВ Р.Х.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Турция)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR. (Япония)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)

ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)

АҲМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

СОЛИЖНОВ Й. (Ўзбекистон)

МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ФОФУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррир:

Ташматова Т.

Жўрабоева Г.

Мусахҳиҳлар:

Шералиева Ж.

Мамаджонова М.

Таҳририят манзили:

150100, Фаргона шаҳри, Мураббийлар қўчаси, 19-үй.

Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60

Сайт: www.fdu.uz

Босишига руҳсат этилди: 02.07.2021

Қоғоз бичими: 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма № 49

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фаргона ш., Мураббийлар қўчаси, 19-үй.

Фаргона,
2021.

М.Ражабова

Навоий ижодида қушлар ва ҳайвонлар образининг халқона асосларда ифодаланиши 74

Н.Шарафиддинова

Поэтик синтаксис тушунчасининг белгиланиши ва предмети 79

ТИЛШУНОСЛИК**М.Абдуллаттоев**

Полисиндетон – полифункционал синтактик фигура 87

М.Турдибеков

Конибодом тумани макро ва микро топонимлари 92

М.Усманова

“Кўхна дунё” асарида қўлланган арабий ва форсий изофанинг лингвистик хусусиятлари 96

М.Иброхимова, Т.Алимов

Лингвокреатив медиамайдонда тилнинг экологик соғлигини сақлаш 99

М.Мадаминова

Мурожаат шаклларининг прагматик хосланиши 104

С.Ҳабибуллаева

Исажон Султон ҳикояларида маънодош ҳамда зид маъноли сўзларнинг лексик-семантик хусусияти 111

А.Уралов

Асимметрик дуализм ва функционал транспозиция 115

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ**Р.Сафарова**

Ўқувчиларда маданий дунёқарашни шакллантириш параметрлари 120

Э.Мирзажонова

Шахснинг когнитив ривожланишининг эрта ташхиси ва ўзаро боғлиқлиги таълим самарадорлиги омили сифатида 124

М.Туйчиева

Ўқув фани материалларини ўқишлилик даражасини оширадиган таълим методлари 129

ИЛМИЙ АХБОРОТ**М.Рахимов, Х.Муйдинов, А.Комилжонов**

Четдан келтирилган қорамол ғунажинларини парваришлашнинг жадал технологияси 134

Р.Пирназаров

Қурбонқўл қулама тўғонининг фильтрацион кўрсаткичларини ҳисоблаш 137

Б.Холматова

Учинчи ренессанс даврида маънавий ишлаб чиқаришни юксалтириш эҳтиёжи 140

Н.Собиров, С.Исройлова

Хўжанддаги биринчи дунё урушининг Австрия-Венгрия кучларининг излари 144

М.Болтабоев

Совет ҳокимияти ўрнатилган йилларда вақф мулкларининг аҳволи 147

Д.Абдуллаев

Музей жамланмасида давлат мукофотларининг ўрни ва аҳамияти 150

Н.Исрайлов

“Шарқ кутубхонаси” асарида Амир Темур томонидан Хурсоннинг забт этилиши масаласини ўрганилиши 154

А.Мусаев

XVII аср бошларида Фарғона водийсидаги сиёсий кураш 159

С.Ҳамрақулов

“Фарғона” газетасида хорижий мамлакатлардаги воқеаларнинг ёритилиши 163

**“ШАРҚ КУТУБХОНАСИ” АСАРИДА АМИР ТЕМУР ТОМОНИДАН ХУРОСОННИНГ
ЗАБТ ЭТИЛИШИ МАСАЛАСИНИ ЎРГАНИЛИШИ**

**ИЗУЧЕНИЕ ВОПРОСА ЗАВОЕВАНИЯ ХОРАСАНА АМИРОМ ТЕМУРОМ В
ПРОИЗВЕДЕНИИ “ВОСТОЧНАЯ БИБЛИОТЕКА”**

**STUDY OF THE ISSUE OF THE CONQUEST OF KHORASAN BY AMIR TEMUR IN THE
WORK “ORIENTAL LIBRARY”**

Исраилов Нодир Раҳимжонович¹

Исраилов Нодир Раҳимжонович

—Фарғона давлатуниверситети тадқиқотчиси.

Аннотация

Мақолада XVII асрда яшаган француз тарихчиси Бартелеми д'Эрбело де Моленвилниг “Шарқ кутубхонаси” асарида Амир Темур томонидан Хуросоннинг забт этилиши масаласи борасидаги фикр-мулоҳазалари темурийлар даври манбалар асосида таҳлил этилган.

Аннотация

В статье на основе источников тимуридского периода проанализированы рассуждения о завоевании Хорасана Амиром Тимуром в книге французского историка XVII века Бартелеми д'Эрбело де Моленвиля «Восточная библиотека».

Annotation

Based on the sources of the Timurid period, the article analyzes the reasoning about the conquest of Khorasan by Amir Timur in the book by the French historian of the XVII century Barthelemy d'Erbelo de Molenville “Oriental Library”.

Таянч сўз ва иборалар: Амир Темур, Миронишоҳ Мирзо, Малик Ғиёсиддин, Ҳўжа Али Муайид, Амир Вали, Бартелеми д'Эрбело де Моленвиль, Низомиддин Шомий, Шарафуддин Али Яздий, Муиниддин Натанзий, Ҳондамир, Хуросон, Ҳирот, Сабзавор, Мозандарон.

Ключевые слова и выражения: Амир Темур, Мираншах Мирзо, Малик Гиясиддин, Ҳоджа Али Муайид, Амир Вали, Бартелеми д'Эрбело де Моленвиль, Низамиддин Шами, Шарафиддин Али Язди, Муиниддин Натанзи, Ҳондамир, Хорасан, Герат, Сабзевар, Мазендарон.

Key words and expressions: Amir Temur, Miranshah Mirzo, Malik Giyasiddin, Khoja Ali Muayyid, Amir Vali, Barthelemy d'Erbelo de Molenville, Nizomiddin Shamy, Sharafiddin Ali Yazdy, Muiniddin Natanziy, Khondamir, Khorasan, Herat, Sabzevar, Mazendaran.

Дунёнинг турли мамлакатларида буюк аждодларимиз, хусусан, Соҳибқирон Амир Темур шахси ва давлатчилик фаолиятига бўлган қизиқиш доимо юқори бўлган. Францияда Темур ва темурийлар тарихини ўрганиш XV асрданоқ бошланган эди. XVII аср француз шарқшунослик мактабининг йирик намояндадаридан бири бўлган Бартелеми д'Эрбело де Моленвиль ҳам мазкур сулола тарихини тадқиқ этган. У ўзининг “Шарқ кутубхонаси” [6] асарида Араб халифалиги, Сомонийлар, Қорахонийлар, Салжуқийлар тарихини ёритиш билан бирга, Амир Темур ва темурийлар даври ҳақида ҳам сўз юритган.

Муаллиф мазкур асарида кўпчилик тарихчилар томонидан Соҳибқирон фаолиятининг иккинчи даврини бошланиши сифатида эътироф этиладиган Хуросон юриши масаласида бир қатор илмий аҳамиятга эга бўлган маълумотларни билдириб ўтган. Хусусан, Амир Темурнинг Хуросонга қилган юришлари қаторида

мазкур диёрдаги энг асосий стратегик худудлардан бири бўлмиш Фушанж қаъласини эгалланиши ҳақида кўйидаги фикрларни билдирган: “782 йили (француз тарихчиси барча саналарни ҳижрий йил ҳисобидан берган) Темурланг Жайхун ёки Окс дарёсидан ўтиб, Хуросонга кирди ва жуда кучли Фоусеченг қаъласида тўхтади. Кучли бўлишига қарамай Темур ва қўшини уни уч кун ичиди қўлга киритди” [6.878]. Муаллифнинг мазкур жанг тафсилоти юзасидан билдирган мулоҳазаси Низомиддин Шомий [3.113], Шарафиддин Али Яздий [4.89], Муиниддин Натанзий [2.124] ҳамда Ҳондамир [5.97] каби муаррихлар фикрлари билан ҳамоҳанглиги унинг манбавий асоси мустаҳкам эканлигидан далолат беради.

Фушанж қаъласи эгаллангандан сўнг Амир Темур асосий эътиборни Ҳиротга қаратган. Ҳирот хукмдори бўлган Малик Ғиёсиддин билан жиддий тўқнашувлар бўлганлиги темурийлар даври манбаларида

қайд этиб ўтилган. Д'Хербелот икки ҳукмдор ўртасидаги воқеаларнинг ривожланиб бориш динамикаси ҳамда унинг натижасига ҳам эътибор қаратган: “Кейин уни (Фушанж қаъласи – таъкид бизники, Н. Исраилов) қўлга киритиб, пойтахт Ҳиротга 783 йилда отланди. Ғиёсиддин Пир Али у ернинг ҳукмдор шахси Тамерлангнинг қўшинини кўриб, кучларини ўзиникилар билан солишири олмади ва унинг олдига келди” [6.878-879]. Гарчи муаллиф мазкур юришнинг бошланиш хронологиясига муаррихлар Низомиддин Шомий ҳамда Шарафиддин Али Яздий каби тўғри ёндашган бўлса-да, жанг бошланиш сабаблари ҳамда икки ҳукмдор ўртасидаги муносабатларнинг зиддиятига батафсил тўхталиб ўтмаган. Манбалардаги маълумотлардан кўринадики, Амир Темур Ҳиротга этиб келгач, фаол жанговор ҳаракатларни бошламай, рақиб қўшинини қаъла ташқарисига олиб чиқишига ва очиқ майдондаги жангларда уларни мағлуб этишга ҳаракат қилган. Д'Хербелот эса масаланинг ушбу жиҳатларига эътибор қаратмаган. Низомиддин Шомий [3.114-115], Шарафиддин Али Яздий [4.89], Муиниддин Натанзий [2.128-130], Хондамир [5.97] каби муаррихларнинг асарларида мазкур тўқнашув сабаблари батафсил ёритилган.

Шунинdek, муаллиф мазкур жараёнлар ҳақида ўз мулоҳазасини давом эттириб, Соҳибқирон томонидан Ҳиротнинг эгалланиши ҳамда Кўҳистон масаласига эътиборини қаратган. “Ҳирот босиб олингандан кейин, – деб ёзади Д'Хербелот, – мамлакатнинг улкан саройи ҳамда шаҳри Тамерлангга тегишли бўлди ва ўзининг лашкари учун Кедистан атрофларини танлади. Бу жуда кучли маскан бўлган, Тамерланг у ердан Малик Курд авлодларининг хазинасини топиб олган ва уни йиғиб келган охирги шахс Ғиёсиддин Пир Алидан қўлга киритди” [6.879]. Бу маълумотларда муаллиф, манбаларга таянган ҳолда, Амир Темур Ҳиротни эгаллаганидан сўнг унинг ҳукмронлигининг асосий таянчи бўлмиш Кўҳистон¹ томон юриш қилиб, уни эгаллашга эътибор қаратганлигини кўрсатади [3.116; 4.91; 5.99-100]. Шу жиҳатдан ҳам д'Хербелот

воқеаларнинг асл мазмун ва моҳиятини тўғри ёритиб бера олган.

Д'Хербелот Соҳибқироннинг 1381 йил юришларини ёритиш давомида Сабзавор ҳукмдори Ҳожа Али Муаййид билан содир бўлган воқеаларга ҳам тўхталиб ўтиб, қуидаги фикрларни билдирган. “Тимур ўша иили Ҳурсондан Гиоргиан² га ўтди, Нишопурда ҳукмронлик қилаётган Сарбадорлар шаҳзодаси Ҳўжа Аъли Муаййиднинг изини топади, у (Ҳўжа Аъли Муаййид – таъкид бизники, Н.Исраилов) бутунлай унга (Амир Темур – таъкид бизники, Н.Исраилов) бўйсунди, унга ажойиб совғалар қилди” [6.879]. Воқеаларнинг ривожланиб бориш динамикасини батафсил ёритган Шарафиддин Али Яздий эса воқеаларни қуидагича ҳикоя қилган: “Соҳибқирон Ҳирот забтидин кўнгул жамъ қилиб, амир Жаҳоншоҳ Жакуни черик билан Нишопур сори йибарди ва Алибек жиҳатидин ўзи Калот ва Тус сори таважжуҳ қилди. ... Ҳожа Али Муаййид Сарбадол Сабзоворда хабар билиб, ул тақи хизмат ва мулизиматда келиб, лутф ва инъом била сарафсоз бўлди” [4.92]. Бундан кўриниб турибдики, Ҳўжа Али Муаййид Нишопурнинг эмас, Сабзавор ҳокими бўлган. Бу ҳақида Низомиддин Шомий [3.116], Ибн Арабшоҳ [1.95] каби муаррихлар ҳам ўзларининг асарларида маълумот бериб ўтганлар.

Шунинdek, муаллиф Амир Темурнинг амир Вали билан дўстона муносабатлар ўрнатганлига эътибор қаратган: “Узоқроққа юриш қилишдан аввал у (Амир Темур – таъкид бизники, Н.Исраилов) ўзининг таклифини Мозандоронлик шаҳзода Валига юборди, у (Амир Вали – таъкид бизники, Н.Исраилов) дарҳол унга ваъда берди. Ушбу топшириқ Темурлангнинг бундан кейин бормаслигини, уни вилоятларида тинч қолдирганлигини, ҳатто Курд шаҳзодаси ва Сарбадорларни ўз ҳудудларига қайтариб юборганлигини кўрсатди” [6.879]. Мазкур масала юзасидан Низомиддин Шомий [3.117], Шарафиддин Али Яздий [4.92-93], Муиниддин Натанзий [2.127], Хондамир [5.100] каби муаррихларнинг шунга яқин фикр билдирганларни д'Хербелотнинг ушбу мулоҳазасининг илмий қийматини кўрсатиб беради.

¹ Изоҳ: манбаларда берилган Кўҳистон мавзеи д'Хербелот томонидан Кедистан шаклида берилган.

² Изоҳ: Гўргон шахрининг д'Хербелот томонидан шундай аталиши.

Темурийлар даври тарихига оид бўлган манбалардан бизга маълумки, Амир Темур 1381 йили Ҳиротни эгаллагандан сўнг Мовароуннахрга қайтиб, қишини Бухорода ўтказаётган маҳалда унинг кичик қизи Темуршоҳ Ака Беги вафот этади. Соҳибқирон мотам даврини бошидан кечираётган вақтда Калот ҳукмдори Алибек Жониқурбоний Мозандарон ҳокими амир Вали билан тил бириктириб, Амир Темурга тегишли бўлган Сабзавор шаҳрига хужум қилаётганлиги ҳақидаги хабар келади. Мазкур маҳалда оғир жудоликни бошидан ўтказаётган Соҳибқирон опаси Қутлуғ Туркон оғонинг берган маслаҳатига риоя этиб, қайтадан яна Хуросонга юриш қилишига мажбур бўлади. Муаллиф ҳам Амир Темурнинг мазкур худудга уюштирган навбатдаги юришларининг моҳияти юзасидан мулоҳаза юритиб, қуйидаги фикрларни билдирган: “784 йили Темурланг Хуросонга қайтишга мажбур бўлди, кучли ерларни эгаллаган ҳудудларнинг бир қанча ҳокимларининг қўзғолонини бостириши керак эди” [6.879]. Муаллифнинг бу фикрлари манбалардаги маълумотларга ҳам мос келади [3.118-119; 4.94; 2.127; 5.101]. Шуниндек, дастлабки юриш Хуросонда Амир Темур ҳукмронлигининг мустаҳкам ўрнатилишига етарли бўлмаганлигини кўрсатиб беради.

Д’Хербелот мазкур жараён юзасидан ўз фикрларини давом эттириб, айрим баҳс-мунозарага сабаб бўлгувчи қуйидаги фикрларни билдирган. “У (Амир Темур – таъкид бизники, Н.Исраилов), аввало, Туршиз ва Калот қалъасини ишғол этди, сўнг Фиёсиддин Пир Алини ҳукуматга қарши чиққани учун жазолади” [6.879]. Лекин Низомиддин Шомий [3.119-121], Шарафиддин Али Яздий [4.94-95], Муиниддин Натанзий [2.128-130] ҳамда Хондамир [5.101-102] каби муаррихларнинг асарларида аксинча, аввал Калот сўнг Туршиз қалъалари эгалланганлиги таъкидланган. Бу эса д’Хербелотнинг ушбу масалада хатоликка йўл қўйганлигини кўрсатади.

Бундан ташқари, д’Хербелот Амир Темур садидийларни бўйсундиришда Малик Фиёсиддиннинг ўрнини эътиборсиз қолдирган. Аслида эса Соҳибқирон садидийларни мавҳ этишда ғурлар сардоридан фойдаланганлиги тўғрисида Шарафиддин Али Яздий алоҳида тўхтатлган: “Ул қалъа асру берк эрди ва ичиди Амир Али

Садидий садидийлар била ўлтуруб эрди: садидийлар Ғур вилоятидин эрдилар ва алардек қалъа сақламоқда ва баҳодурлуқда ул замон киши йўқ эрди ва Малик Фиёсиддин аларға эътимод қилиб, тобшуруб эрди. Ҳазрат Малик Фиёсиддинга айттиким, “Булар сенинг навкарларинг турур ва бу қалъани сен буларға берибсен. Сен бизга мутиъ бўлубсан. Не учун улар булар ҳисорни сақлайлар?” Малик деди: “Ақлсизлиқдин”. Малик ҳисор тубига бориб ҳар нечаким насиҳат қилди, анинг сўзини эштмадилар.... Садидийлар паришонҳол бўлуб, кўрдиларким қалъани сақласа бўлмас, тазарруъ ва зори била амон тиладилар” [4.95-96].

1383 йилга келиб Амир Темур томонидан Ғур вилояти бошқарувига тайинланган Пирмуҳаммад Ғурӣ ҳамда унга иттифоқчи бўлган Абу Сайд Испаҳбадлар Соҳибқироннинг Самарқанддалигидан фойдаланиб Ҳиротга бостириб киришади. Исёнчилар Иҳтиёриддин қалъасига ўт қўйиб, шаҳарни талаётганликлари ҳақидаги хабар Амир Темурга ҳамда Мироншоҳ мирзога етиб келади. Мазкур маҳалда Мурғоб дарёси бўйида турган Мироншоҳ мирзо қўшиннинг манглай қисми бошқарувига Амир Ҳожи Сайфуффин ҳамда Амир Оқ Буғаларни тайинлаб, уларни Ҳиротни ҳимоя қилиш учун жўнатган, Ўзи ҳам уларнинг ортидан асосий кучлар билан йўлга чиқади. Д’Хербелот эса Ҳиротда юз берган ушбу воқеалар ҳақида: “785 йили Темурланг Ҳиротга ҳукмдор этиб тайинлаган шахс вафот этди, Гоуридлар³ шаҳарда бош кўтаришди ва мўғуллар ҳамда татарларни қувиб чиқаришди, Темурланг ўғли Мироншоҳни у ерга юборди. Мироншоҳ бу пайтда Мурғоб номли дарё бўйида уларни жазолаш учун турар эди”, – деб ёзади. [6.879].

Эътиборли томони шундаки, Муиниддин Натанзий ўзининг “Мунтаҳаб ут-таворихи муниний” асарида Ҳирот ҳокимини бир гурӯҳ исёнчилар ўлдирилганлиги таъкидлаган бўлса-да [2.131], Шарафиддин Али Яздий эса ўзининг “Зафарнома” [4.97] асарида Амир Темур томонидан мазкур лавозимга тайинланган шахс ва унинг вафот этганлиги ҳақида маълумот бермаган. Фақат муаррих Хондамирнинг “Ҳабиб ус сияр” асарида ушбу воқеалар ҳақида тўлиқ маълумот учрайди. “Ўша аснода Амирка

³Изоҳ: д’Хербелот мазкур ҳалқларни шундай атаган. Темурийлар даври манбаларида гурийлар деб аталади.

доруға вафот этди, – деб ёзади Хондамир, – шунинг учун Ҳирот оқсоқолсиз уйга, сардорсиз кемага ўхшаб қолди. Шайтонлар жинси боши берк күчадан ташқарига чиқиб, палид ва разил кишилар фозилларни истилло этдилар. Али Асад Ферузободий бир қанча исёнчилар тұдаси билан бир неча қулоқ үтінни Ихтиёриддин қалъаси девори олдига келтириб, үт қўйдилар. Мўғуллар⁴ нажот топиш умидидан қалъани ташлаб, ўзларини юқоридан пастга ташлай бошладилар ва бераҳм ғурийлар ҳаммани шаҳид қилдилар. Бу хабар Мурғоб дарёси бўйида турган Амир Мироншоҳга етиб келгач, унинг ғазаб оташи аланга олиб, Амир Ҳожи Сайфуддин ва Амир Оқ Буғони зафарёр сипхоқнинг бир гурухи билан манглай тарзда Ҳиротга равона қилди. Ўзи ҳам уларнинг орқасидан шу томонга равона бўлди” [5.105]. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, д’Ҳербелот ушбу воқеаларнинг баёнида турли манбаларни кўриб чиқсан ва уларни тўғри умумлаштира олган. Бу муаллифнинг мазкур жараённи қисқа сатрларда, лекин аниқ баён этганлигини ҳамда чуқур таҳлил қилганлигини кўрсатади.

Шуниндек, д’Ҳербелот Ҳуросондаги ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун бу ерда сиёсий құдратга эга бўлган гуруҳларни салтанатнинг чегара ҳудудларига тарқатилганлигига эътибор қаратган. У Ҳиротнинг қайта зabit этилиши масаласида ўз мuloҳазаларини давом эттириб, қўйидагиларни ёзади: “Бу шаҳзода (Мироншоҳ Мирзо – таъкид бизники, Н.Исраилов) кўплаб бошбошдоқларни ўлдиргандан сўнг, қолганларининг кўпчилигини, қамоқдаги Сарбадорларни Самарқандга юборди” [6.879]. Д’Ҳербелотнинг қўзғолоннинг бостирилиши юзасидан билдириган хулоласи Шарафиддин Али Яздий [4.97] ҳамда Хондамир [5,105] каби муаррихлар фикрлари билан ҳамоҳанглиги эътиборлидир.

Шуниндек, д’Ҳербелот 1383 йил воқелари хусусида ўз мuloҳазасини давом эттириб, Мироншоҳ Ҳуросондаги қўзғолонларни бостиргач, Сеистон, Қандаҳор ва Забулистон ҳудудларини кўлга киритганлигини, у бу халқларни ва Шоҳ Қутбиддин яъни Сеистон ҳумдорини зabit этганлигини, ва уни ана шу пайтда

Самарқандга маҳбус сифатида юбориб, сўнг отасининг саройига қайтганлигини таъкидлаган [6.879]. Гарчи муаллиф темурийлар томонидан ҳудудларнинг географик эгалланиб бориш динамикасига тўғри баҳо берган бўлса-да, мазкур мuloҳазасида асосий эътиборни фақат Мироншоҳ Мирзога қаратганлиги тўғри эмас. Чунки мазкур ҳудудлар эгалланишида шахсан Соҳиқироннинг ўзи иштирок этган ҳамда Сеистон ҳукмдори Шоҳ Қутбиддин, Амир Темур томонидан мағлубиятга учратилиб, унинг оиласи Самарқандга кўчирилган. Албатта, Мироншоҳ Мирзо ҳам мазкур ҳудудлар эгалланишида фаол бўлганлиги ҳақидаги маълумотлар темурийлар даври манбаларида келтирилади [3.125-128; 4.98-102; 2.131-134; 5.106-109]. Бизнинг фикримизча, муаллиф Ҳуросонинг Амир Темур томонидан Мироншоҳ Мирзога инъом этилганлиги сабабли ҳам шу фикрларни билдирган.

Д’Ҳербелот Амир Темурнинг 1384 йил юришлари доирасидан ўрин олган Мазондарон ҳокими амир Вали билан бўлиб ўтган тўқнашувга ҳам ўз эътиборини қаратган. Муаллиф икки ҳукмдор ўртасидаги зиддиятлар ҳамда Соҳиқироннинг юриш бошлиши хусусида ўз мuloҳазасини билдириган: “786-йили Тамерлангнинг Амир Валидан жаҳли чиқди, у Мазондаронни эгаллаш учун Жайхундан ўтиб Астрабодга келди” [6.879]. Темурийлар даври манабаларида Амир Темур 1381 йил юришлари доирасида амир Вали муаммосига дуч келиши ҳамда Мазондарон ҳокимининг Соҳиқиронга элчи юбориб, ўз итоатини изҳор этиши тўғрисидаги маълумотлар учрайди. Бироқ Низомиддин Шомий [3.128] ҳамда Хондамир [5.109] каби муаррихларнинг асарларида Амир Темур амир Валига қарши иккинчи юриш сабаби сифатида Мазондарон ҳокими Соҳиқирон ҳузурига ташриф буюриш ваъдасини бажармаганлиги таъкидланган. Фикримизча, д’Ҳербелот [6.878] нинг мазкур масала бўйича хулосаларига эса Муиниддин Натанзий келтирган маълумотлар асос бўлган: “... Лекин амир Вали ўзининг “шўх” лигини қўймади ва бир неча марта бирон бир фитнани қўзғаш ҳаракатида юрди. У Форс, Ироқ ва Озарбайжон сultonларини бир мавзеъда тўпланиб, иттифоқликда Мовароуннахрга юриш қилишга унади” [2.135]. Шуниндек, д’Ҳербелот икки амир

⁴ Йаздий “Зафарнома” сида шу ерда “турклар” дейилган. Б. 97.

ўртасидаги воқеларнинг ривожланиб бориш динамикасига ҳам тұхталиб үтиб, қуидаги фикрларни билдирған: “Амир Вали шундай душман қүшинининг қаршиисига чиқыш учун етарлы даражада құрқмас эди, у бир ойга яқын түсқинлик қилди, кейин эса Райга, Райдан Рустамдорга қочишга мажбур бўлди ва шундай қилиб ўзининг мамлакатини бутунлай ташлаб кетди. Темурланг ҳукуматни (Мозандарон ҳукуматини – таъкид бизники, Н.Исраилов) эгаллаб, уни Тўғайтимурнинг ўғли Луқмон подшоҳга берди, подшоҳ (Амир Темур – таъкид бизники, Н.Исраилов) доимо олға интилди, Рай шаҳри ва Султония шаҳарлари томон ва бу икки қироллик шаҳарларини эгаллади ва уларнинг ҳокимиютини Адел Ақа ҳамда Муҳаммад Султоншоҳларга топширди, кейин Мазондарон томон йўл олиб, Самарқандга қайтди” [6.879]. Мазкур масала юзасидан муаллиф томонидан воқеаларнинг ривожланиб бориш динамикасига тўғри баҳо берилганлиги ҳамда ушбу мулоҳазалар

Низомиддин Шомий [3.131-132], Шарафиддин Али Яздий [4.105], Муиниддин Натаңзий [2.137-138] ҳамда Хондамир [5.110] каби муаррихлар фикрлари билан ҳамоҳанглиги унинг илмий қийматини юқори эканлигидан далолат беради.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, д’Ҳербелот Амир Темур томонидан Ҳуросоннинг забт этилиши масаласини қисқа сатрларда, лекин аниқ баён этган. Кўпгина тарихий воқеларни тўғри қайд этиб, батафсил ёритишга ҳаракат қилган бўлса-да, бъязи бир хатоликларга ҳам йўл қўйган. Мазкур асар XVII асрда ҳали француз тилига темурийлар даврига оид манбалар таржима қилинмасдан аввал ёзилганлигини эътиборга олсак, у ўз даври учун йирик илмий ҳодиса эди. Шунинг учун ҳам ушбу асарни илмий ютуқларини эътироф этган ҳолда, айрим хато ва камчиликлар мавжудлиги сабабли ундан танқидий фойдаланиш лозим, деб ўйлаймиз.

Адабиётлар:

1. Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур: Темур тарихида тақдир ажойиботлари. /Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳларни У.Уватов тайёрлаган. К. І. –Т.: Мехнат, 1991.
2. Муиниддин Натаңзий. Мунтахаб ут-таворихи Муиний (Муиний тарихлари танланмаси) / форс тилидан таржима, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Ғулом Каримий. – Т.: Ўзбекистон, 2011.
3. Низомиддин Шомий. Зафарнома / Форс тилидан ўғирувчи – Ю.Ҳакимжонов. Таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул мухаррир – А.Ўринбоев. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. Шарафуддин Али Йаздий. Зафарнома. /Сўз боши, табдил, изоҳлар ва қўрсаткичлар муаллифлари А.Аҳмад ва Ҳ.Бобобеков, – Т.: Шарқ, 1997.
5. Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. Ҳабиб ус-сийар фи ахбори афроди башар /Форс тилидан таржима, муқаддима муаллифлари: Жалил Ҳазратқулов, Исмоил Бекжонов. Масъул мухаррир Ашраф Аҳмедов. – Т.: Ўзбекистон, 2013.
6. Barthélémi d'Herbelot de Molainville. Bibliothéque Orientale. – Paris.: 1697.

(Тақризчи: Б.Усмонов – тарих фанлари доктори).